



MILLIY TIKLANISH

8 (380) 2016 йил 24 февраль, чоршанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП 2015 йилда тарғибот-ташвиқот фаолиятини 33 лойиҳа воситасида амалга оширди

Учтепа туманидаги "Stone proty servise" корхонаси қошидаги қўйи бўғин ташаббуси билан 10 га яқин масала ижобий ҳал этилди

Мамлакатимизда халқаро муносабатларга оид 16 қонун ва 20 га яқин қонуности ҳужжати мавжуд

Фракция ҳаёти

Мақсадли сарф-харажат

мамлакат тараққиётига хизмат қилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ҳисоб палатасининг 2015 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинди.

Фракция аъзолари, вазирлик ва ташкилотлар ходимлари, экспертлар ва мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган йиғилишни Спикер ўринбосари, фракция раҳбари С.Отамуратов бошқарди.

Таъкидланганидек, Ҳисоб палатасининг ўтган йилги иш дастури Президентимиз томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналиши ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида белгилаб берган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Ҳисоб палатаси ўтган йилги фаолияти давомида иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасидаги сиёсатни амалга ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, молиявий ресурслардан тежамли, самарали ва мақсадли фойдаланиш каби вазифаларга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг ижросини таъминлаш мақсадида Давлат бюджетининг 2014 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисобот баҳоланди ва ташқи аудитдан ўтказилди. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Давлат бюджети лойиҳасининг экспертизаси амалга оширилди.

> 4-бет.

Илмий-амалий семинар



Сардор Муллажонов суратлари

Оила институтини янада такомиллаштириш —

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсад-вазифаси

"Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқийсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи гада оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эззулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир."

Президентимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асаридagi бундай ҳаётбахш ҳулосалар муқаддас маскан — оила институтининг кучли фуқаролик жамияти барпо этишдаги аҳамияти ва ўрни нақадар юксак эканидан ёрқин далолат беради.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва Республика "Оила" илмий-амалий маркази ҳамкорлигида Соғлом она ва бола йилига бағишлаб "Оила институтини янада такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари" мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий анжуманида шу ҳақда сўз борди.

> 2-бет.

Миллий ғурур

Салоҳиятли ёшлар маскани



Музыка ва санъат навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан баркамол вояга етказишда бебаҳо манбадир. Музыка эшитадиган, музыка билан машғул одам ёмонликдан узоқ бўлади, эззуликка эргашади. Мамлакатимизда болалар музыка ва санъатини ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад ҳам шу — ёшлар онг-қалбини асл санъат билан қувватлантириш. Музыка санъатимизни янада равиқ топтириш, шу соҳада ўқиб-изланаётган ўил-қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги эззу ишлар самараси ёш авлод камолоти мисолида кўзга яққол ташланмоқда.

> 6-бет.

Сарҳисоб

Шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги глобаллашув барча соҳада янгилашни ва инновация, давр талаблари ва эҳтиёжларини инбатга олишни тақозо этмоқда. Демократик ислохотлар жараёнида унинг асосий воситаларидан бири сифатида сиёсий партиялар фаолияти ҳам янги босқичга кўтарилаётир. Партиялараро рақобат шароитида ҳар бир сиёсий партия ўзининг аниқ ижтимоий қатлами, электоратини шакллантириш, сайловолди Платформасини ҳаётий ва халқчил мақсад-вазифалар билан мунтазам бойитиш, аҳоли ичига янада чуқурроқ кириб бориш, таъсирчан лойиҳалар, янги тарғибот воситаларидан фойдаланишга интиломоқда.

Миллий тикланиш ғояси таъсирчанлигини ошириш — давр талаби

Зеро, Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, "ҳар қайси сиёсий партиянинг жамиятимиздаги кучи уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда таклиф этган ва амалга ошираётган дастурларининг таъсири ва уларни қўллаб-қувватлаётган тарафдорлари сони билан ўлчанади. Бинобарин, партиялар ўзининг ижтимоий сиёсий фаолиятини аҳоли орасида қанча жонлантириб, кенгайтириб борса, халқимиз ва сайловчиларимизнинг сиёсий онги ва фаоллиги шунча юксалиб, уларнинг ислохот ва ўзгаришларга ўтказадиган таъсири тобора ортиб бораверади".

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз фаолиятини бугунги давр талаблари, янги лойиҳалар ҳамда таъсирчан тарғибот-ташвиқот воситалари асосида ташкил этишга интилаётир. ЎзМТДП Марказий кенгаши, ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари ўтган йил давомида ўтказган 12 мингга яқин тарғибот тадбирларида 820 мингдан ортиқ партия фаоллари, электорат вакиллари, кенг жамоатчилик ҳамда хайрихоҳларимиз иштирок этди.

> 2-бет.

Мансабдор шахс — ҳисобдор

Фарзандлар камоли — юрт истиқболи

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзМТДП фракцияси ушбу мақсадга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурмоқда

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасида депутат тегишли халқ депутатлари Кенгашига ҳисобдор ёки унинг назорати остидаги ҳар қандай орган ёхуд мансабдор шахснинг ҳисоботи ёки ахборотини мазкур маҳаллий Кенгаши мажлисларида эшитиш тўғрисида таклиф кириштишга ваколатли экани белгилаб қўйилган.

Шу боис партия гуруҳлари бундан самарали фойдаланишга, давлат бошқаруви органлари устидан назоратни амалга ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аниқ таклиф ва муқобил дастурларни илгари суриш борасидаги фаолиятини янада кучайтиришга интиломоқда. Бу эса жойларда қатор ҳудудий масалаларга ечим топишга хизмат қилмоқда.

Мазкур жараёнда ЎзМТДП гуруҳлари ҳам фаол иштирок этиб, амалий ишлар, аниқ ташаббус-масалаларни илгари сурмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзМТДП фракцияси, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашиларидаги партия гуруҳлари 2015 йилда 200 дан зиёд депутатлик сўровини амалга оширди, доимий комиссияларга 17 таклиф, тегишли халқ депутатлари Кенгашиларига 20 ташаббус-масала киритилди.

> 5-бет.

Ушбу сонда:

Қадриятлар бешиги

Оила — муқаддас кўрғон, жамиятнинг муҳим бўғини сифатида доимо улуғлаб келинади



> 3-бет.

Консерватив партиялар

кўхна қадрият ва анъаналарни сақлаб қолиш тарафдори. Бу уларнинг кўплаб мамлакатлар парламентида юқори мавқени эгаллашида асосий омил бўлмоқда



> 7-бет.

Тасвирларда Ватан мадҳи

Юртимиз бўйлаб "Ўзбекистон — бағрикенг диёр" фотокўргазмаси давом этмоқда



> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!
 Нашр кўрсаткичи — 158



«Milliy tiklanish» газетасини
 www.milliytiklanish.uz
 сайтида ҳам ўқинг!

